



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаи
бўюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 28 июнь, № 123 (3922)

Чоршанба

Ислом КАРИМОВ:

«ХАЛҚИМИЗ ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА ҚАНДАЙ ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЭРИШГАН БЎЛСА, УЛАРНИНГ БАРЧАСИДА, ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, ЗАҲМАТКАШ МАТБУОТ АҲЛИНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОРЛИГИНИ ШАҲСАН МЕН ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМАН»

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар! Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси фидоийларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Маъна, ўн уч йилдирки, 27 июнь санасини юртимизда миллий матбуот кунли сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланган бўлди. Бу байрам нафақат шу соҳа вакиллари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз орзиқиб кутадиган ва хурсандчилик билан нишонлайдиган кутлуғ айёмдир.

Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот ахлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли холис воситачи ва мухлиф сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиликларини ва тараққиётини йўлида олиб борилаётган ислохотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб яшайдиган фидоий инсонлар деб билади ва қадрлайди.

Албатта, ҳар қандай байрам тантанасида эришилган ютуқлар беихтиёр сарҳисоб этилади, амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берилади, янги-янги режа ва вазифалар белгилаб олинади.

Гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва жойларда кенг жамоатчилик иштирокида ўтаётган бугунги учрашувлар сизларнинг ўз касбдошларингиз билан дийдор кўришиб, олдингида турган мақсад ва муаммоларни муҳокама қилиш, касб маҳоратини ошириш, миллий журналистиканинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида яна бир бор атрофлича фикрлашиб олиш имконини беради, деб ўйлайман.

Халқимизга мансуб бўлган азалий одатга кўра, эл-юртга хизмати синган, матбуотнинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келган муҳтарам оқсоқолларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бундай анжуманларга алоҳида фойз бағишлайди. Айни пайтда бу каби тадбирлар шу кунларга етиб келолмаган устоз журналистларнинг номлари ва хотираси ёд этилиши билан ҳам ибратлидир.

Бугунги байрам кунини мен бир масалага алоҳида эътибор беришни истардим. Биз одатда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида, замоннинг ўзи уларнинг олдида қўётган ўқир талаб ва эҳтиёжлар ҳақида кўп гапираримиз. Аммо, очигини айтганда, бу соҳанинг меҳнатли нақадар машаққатли экани, журналист касбининг танлаган кишилардан наинки истеъдод ва билим, балки қатъият ва жасорат талаб қилиниши, таъбир жоиз бўлса, уларнинг нони қаттиқ экани, улар одамларни тинч қолдирмайдиган ташвиш ва муаммолардан ҳоли бўлмасдан юршишлари ҳақида, афсуски, камроқ эслаймиз.

Шу ўринда барчамизнинг диллимиз-

да бўлган бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман. Ҳозирги кунда халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматкаш матбуот ахлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шаҳсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Оммавий ахборот воситаларимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган ривожланиш йўлига назар ташлар эканмиз, табиийки, журналистиканинг бугунги савияси ва даражасини бундан ўн-ўн беш йил аввалги ҳолат билан мутолақа солиштириб бўлмайди. Кейинги пайтда миллий матбуотимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган компьютер ва ахборот технологиялари, Интернет тизими билан бир қаторда, энг аввало, бу воситаларнинг барчасини жонлантирадиган, уларга маъно-маъмури берадиган, таъсирчанлиги ва самарасини амалда намойён қиладиган асосий куч — журналистлар ва матбуот ходимларимизнинг малакаси ва дунёқараши, тафаккури ва маҳорати бошқалардан кам бўлмайдиган даражага ўсиб бораётганини эътироф этиш адолатдан бўлади.

Бугун биз юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият қураётган эканмиз, бу масаланинг энг муҳим шарти бўлмиш инсон қадрини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, одамларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида холисона хабардор қилиш, бу жараёнларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди ва интилишлари билан яшаш, барчамиздан, биринчи баъда, оммавий ахборот воситалари вакиллари бу талаб ва мезонларни қундалик ҳаётимизда изчил жорий этишни тақозо этади.

Матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифаларни адо этишда бугун бу борада олиб борилаётган ишларни янада тақомиллаштириш, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлаш, соҳа ривожини унун зарур бўлган ислохотларни амалга ошириш, матбуот ахлининг масъулиятли меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари бундан буюн ҳам давлатимиз, ҳукуматимиз эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.

Ўз ҳаётини матбуот соҳасига бағишлаган сиз, азизларга меннинг эзгу тилгаим шуки, аввало, хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барака аримасин, ижодий ютуқларингиз, муҳлис ва муштарийларингиз янада кўپайсин.

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



МИЛЛИЙ МАТБУОТ РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда оммавий ахборот воситалари фахрийлари, журналистлар, нашриёт ва матбаа ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда миллий матбуотимиз ривожини, жамоатчилик фикрини фидоаловчи чинакам эркин минбарга айланиши йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жамият-

ни демократлаштириш ва халқимизнинг сиёсий фаоллигини оширишда, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлашда матбуотнинг ўрни катта эканлиги қайд этилди.

Юртимиздаги энг йирик олий ўқув юрталари — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида малакали журналист кадрлар тайёрланаётган. Давлати-

миз раҳбари ташаббуси билан Миллий университет қошида икки йиллик Олий журналистика курси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг ташкил этилиши миллий матбуотимиз равио йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг яна бир ёрқин намунасида.

Мамлакатимизда

матбуот, телевидение ва радио фаолиятини янада либераллаштириш, мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, журналист кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ бугунги глобаллашув, мафкуравий курашлар, ахборот хуружлари кучайган давр миллий манфаатларимизни нафақат сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан, балки информацион хавфсизлик нуқтаи назаридан қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этмоқда. Бу эса соҳа ходимлари зиммасига улкан масъулият юклаши баробарида атрофдаги воқеаларга янгича

тафаккур, теран нигоҳ билан қарашни тақозо қилади. Ийгиликда «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолиблари ҳамда спортни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишда фаоллик кўрсатган журналистларга дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, А.Орипов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎАА мухбири,
СУРАТДА:
Йилнинг энг фаол журналисти
Мухоммад АМИН
олган сурат.

КУЛОЛЛАР ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДА

Тошкентлик уста Акбар Раҳимовнинг Кулолчилик мактабидан анъанавий технология ва материалларни ўрганишга бағишланган Ўзбекистон кулолларининг семинари очилди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси кўмагида ўтказилмоқда.

Амалий санъатнинг ўзига хос йўналишларидан биринчи республикамизнинг барча ҳудудларидан келган энг яхши усталари қадимий хунарни тиклаш масалаларини муҳокама қилиш, тажриба алмашиш, ўз технология-

ларини намойиш этиш учун тўпланди. Бир ҳафта давомида семинар катнашчилари кулолларимизнинг кўп авлодлари тўплаган анъаналарни ривожлантиришда янги йўналишларни аниқлади. Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари кулоллари ҳақида ҳужжатли фильмлар тақдими ўтказилди. Семинарда иштирок этган республикамизнинг танқили кулоллари ясаган буюмлар кўргазмаси ҳам тақдир этилди.

А.ИВАНОВА,
ЎАА мухбири.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Йилнинг энг фаол журналисти-2005» танлови ғолибларини эълон қилади:

Танлов ғолиблари:

Дўст АБИДУЛЛАЕВ,
(Қорақалпоғистон Республикаси) «Еркин Қарақалпоқистон» газетаси бош муҳаррири ўринбосари.

Меҳр-оқибат, миллатлар ўртасидаги бағрикенглик ва тотувлик мавзусидаги мақолалари учун.

Жаҳонгир АДИЛОВ,
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош расоми.
Маънавий-маърифий мавзуларда яратган ижодий ишлари учун.

Саид ДАВЛЕТОВА,
«Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» му-

Қўйдаги журналистлар ижодий танловининг рағбатлантирувчи мукофотида сазовор бўлдилар:

Лев САВЕЛЬЕВ,
«Права Востока» газетаси бўлим мудир.

Саманжон СУЛТОНОВ,
(Сирдарё вилояти) «Алолат кўзгуси» газетаси бош муҳаррири ўринбосари.

Ҳамид СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири.

Ботир ТЕМИРОВ,
(Қашқадарё вилояти) «Қашқадарё» газетаси бўлим мудир.

Ҳаррирининг шарҳловчиси. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ёритишга бағишланган ҳамда сиёсий ва халқро мавзулардаги курсатувлари учун.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» газетаси мухбири.
Еш авлодин миллий истиқлол ғолиблари ҳақида тарбиялаш мавзусидаги туркум мақолалари учун.

Жўра САЎДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетаси бўлим мудир.
Тавлим тизимидаги ислохотларни ёритишдаги фаоллиги ҳамда ижтимоий-сиёсий мавзулардаги мақолалари учун.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлигининг етакчи мухассиси.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларни интернет тармоғи орқали самарали ёритиб бораётган учун.

Дилфуза ЭСОНОВА,
Нодавлат телекомпаниялар телетармоғи муҳаррири.

Оловуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси.

Олижон ҲАКИМОВ,
(Фарғона вилояти) «Давр овози» газетаси бош муҳаррири.

Мухаббат ҲАМРОЕВА,
«Ешлар» телерадиоканали катта муҳаррири.

Маъмун академиясининг илмий мероси Гентда намойиш этилди

Бельгияда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Гент университети томонидан Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Унда Бельгиянинг уч юздан зиёд танқили олимлари, Шарқий Фландрия провинцияси ва Гент шаҳрининг сиёсий, жамоат ва иқтисодий доиралари, шунингдек, Бельгия, Европа Иттифоқи ва НАТОда акредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

1817 йилда асос солинган Гент университети олий таълим ва академик тадқиқотлар соҳасида Бельгиянинг етакчи марказларидан ҳисобланади. Университетнинг халқаро алоқалар бўлими проректори Хильда Букино анжуманини очар экан, Ўзбекистонда илм-фан кўп асрлик тарихга эгаллигини таъкид-

лади. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган илмий анжуман ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва анъаналарини Европа ва Бельгия жамоатчилиги орасида оммалаштиришга кўмаклашда ҳамда Маъмун академиясининг билан Гент университети ўртасида ўзаро манфаатли илмий ҳамкорликка янгича тус беради.

Анжуманда ўз маърузаси билан сузга чиққан, Лувен католик университети профессори Жан Янсен буюк ўзбек мутафаккирларининг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасига Бельгия ва бошқа Европа мамлакатларининг

илмий ва тиббий доиралари чукур эҳтиром билан қарашини қайд этди. Хусусан, Белгиялик профессор, ИБН Синонинг 1472 йилда чоп этилган «Тиб конуналари» кўмуни асарининг лотин тилидаги таржимаси олти аср мобайнида бутун Европа шифокорлари учун дарслик ва тиббий мутахассислари учун қўлалима сифатида хизмат қилиб келганини эътироф этди.

Брюссель овоз университети профессори Жан Чарльз Дюссен ўз чикқишида Ўзбекистон худуди асрлар давомида ўзига хос маданиятларнинг шаклланиш маркази, Буюк Ипак йўлидаги муҳим боғловчи бўлин, Шарқ ва Фарбнинг савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туташган худуд бўлиб келганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчиси Владимир Но-

ров анжуман иштирокчиларига мамлакатимиз илмий салоҳиятини ривожлантириш учун мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистон раҳбарияти томонидан бебаҳо илмий, маънавий ва маданий меросни тиклашга қаратилган улкан эътибор тўғрисида сузлаб берди.

Анжуман катнашчилари, шунингдек, Ўзбекистон тарихи ва бугунги кунини тўғрисида хикоя қилувчи «Welcome to Uzbekistan» (Ўзбекистонга хуш келибсиз) ҳужжатли фильмининг томоша қилишди. Урашув Европалик томошабинларга юртимиз маданиятининг ўзига хослиги ва кўпқирраллигини яна бир бор намойиш этган Ўздавфиармония санъаткорларининг концерт дастури билан яқунланди.


Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА.

ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ

Навоий вилояти



Навоий шаҳридан мамлакатимиз пойтахти Тошкентга...



БАРХАНЛАР БАҒРИДАГИ БЎСТОН

Учоклари мослаштирилган биноларда жойлашган эди. Айрим мактаблар эса отам...

оёққа турди. Ахир Навоийдек бой вилоятда мактабга...

да очилган. Қаранг, салкам олтимиш йиллик шўролар даврида...

қилиш қийин. Чунки юртимизда нафақат мактабга, балки болалар спортига ҳам...

ларида унчалик муваффақиятли иштирок этиша олмаганлиги бизни ўйлантириб қўйди.

Навоий вилояти қезанда, аввало, кўз олдидангизга буюк шоиримиз Алишер Навоий номини шарафлаб келаятган, кўнгли очик, заҳматкам, саховатли инсонлар, дунёқорлик билан банқ бўлган кўп миллиатли халқни ўзинга тасаввур қилман.

Навоий вилояти қезанда, бу ўйнал ваҳанинг бетакрор табиати, чексиз чўл ва қалалар, бепоён яйловлар билан бирга, ўлкан сановат минтақаси кўз ўнгидангизда намоён бўлади.

Ислон КАРИМОВ

Рақамлар сўзласин

Ҳозирги кунда вилоят бўйича 15 та стадион, 13 та сузши ҳавзаси, 204 та спорт зали, 33 та теннис корти, 1608 та спорт майдонлари ва майдончалари мавжуд.

Навоийда 253 та кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Вилоят маданият ва спорт бошқармаси тасарруфидоги кутубхоналар 1 миллион 794195 та китоб фондига эга.

1998 йилда вилоятда 880 та фермер хўжалиги мавжуд эди. 2002 йилда уларнинг сони 2648 тага, 2006 йилда эса 5673 тага етди.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 24 та йирик сановат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 4 таси давлат, 8 таси акциядорлик, 9 таси қўшма ва 3 таси мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналардир.

Ўтган йили аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш вилоят бўйича 70,1 минг сўмдан тўғри келди.

2005 йилда вилоятда ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 170008 сўмини ташкил этди. Бу кўрсаткич Зафаршон шаҳрида 314625 сўмга, Учқудуқ туманида 179660 сўмга, Навоий шаҳрида эса 155383 сўмга тенг бўлди.

мактаб капитал, 22 та мактаб эса жорий таъмирланди. Вилоят ўрта махсус касб-хўна тизимига сўнгги йилларда 14 та касб-хўна коллежлари ва академик лицейлари куририлиб фойдаланишга топширилди. 2009 йилгача вилоятда 10 та мактаб янгидан курилади. 78 та мактаб реконструкция қилинади. 140 та мактаб капитал ва 94 та мактаб жорий таъмирланади.

Яқинда Навбахор туманидаги Фуркат номидаги б-умумтаълим мактабида бўлдим. Бу билим максани «Истиқлол» фермерлар уюшмасининг «Ок олтин» маҳалласида жойлашган. Албатта, кўрмасдан туриб, уни ҳам оддий қишлоқ мактабларидан бири бўлса керак, деган тасаввурда эдим. Лекин мактаб биносини кўриб хайратга тушдим. Икки қаватли бино жуда ажойиб куририлган. У бутун қишлоққа кўрк ва чирой бағишлаб турибди.

Директор Назира Аҳмедованинг таъкидлашича, мактабнинг эски биноси жуда кўримсиз, қаровсиз аҳволда бўлган. Бир кунги Ўзбекистон телевидениесининг «Қишлоқдаги тенгдошим» кўрсатуви ижодкорлари мактаб биноси ноҳор аҳолини таниқ қилишган. Мазкур кўрсатув эфирга узатилган, соҳага алоқадор барча раҳбарлар

нати соғва қилган. Шу ўринда мактабнинг спорт зали ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсам. Республикаимиздаги биронта мактабда бундай спорт иншооти йўқ десам муболага бўлмас. Катталиги 18х36 квадрат метрлик бу мажмуада спортнинг барча турлари билан шугулланиш мумкин. Энди ўйлаб кўриш, бундан ўн беш йил бурун туманининг чекка қишлоғида шундай ажойиб, ёшлар билим олиши учун барча шароитга эга мактаб курилади деб ҳеч ким ўйлаганимиди? Йўқ. У пайтларда орзу қилиш мумкин эди, холос.


Халқ таълими ҳақида сўз кетганда, яна бир гапни айтиб ўтай. Кармана туманидаги 2-умумтаълим мактаби вилоятдаги энг кекса билим мактабларидан бири. У 1932 йилда кўримсиз, ёғоч бино-

миз олий ўқув юртиларнинг талабаси бўлди. Бундан кўнмамай бўладими! Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларни таллаш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш ҳамда республика ва халқаро олимпиадаларга тайёрлаш мақсадида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2003 йилдан буён барча туман, шаҳар халқ таълими бўлимида «Олимпиада захиралари» мактаблари очилган. Жорий йилда бу қўшимча таълим муассасаларида 1134 нафар иқтидорли ўқувчи билим олди. 2005 йилда мазкур мактабларда тахсил олган 206 та битирувчининг 173 нафари олий ўқув юртиларга ўқишга кирди.

Албатта, бугун мактаб ва спортни алоҳида тасаввур

маси томонидан 598,2 миллион сўм, жамғарманинг вилоят филиали томонидан 411,1 миллион сўм, шунингдек, спорт жиҳозлари сотиб олиш учун ҳаммаси маблағ 240 миллион сўм маблағ ажратилган.

Юқорида мен келтириб ўтган рақамларга эътибор бердингизми? Шўролар даврида бутун мамлакатда бунча спорт иншооти йўқ эди. Спорт анжомлари билан таъминлаш масаласи ҳақида эса гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Хўш, бундай гамхўрликка жавоб қандай бўлаяпти? Албатта, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида вилоятда сезиларли ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Лекин ишени яна ҳам жонлантириш лозим. Вилоятимиз ўқувчилари Қаршида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақа-



Навоий вилоятининг ер майдони 111 минг квадрат километр бўлиб, мамлакатимиз ҳудудининг тўртдан бир қисмини ташкил этади.

Вилоятда 811,5 минг нафар аҳоли ишқоромат қилади. Уларнинг 321,5 минг нафари шаҳарларда, 490 минг нафари қишлоқларда яшайди.

2006 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоятда 45 та шифохона, 11 та диспансер, 234 та амбулатория-поликлиника муассасалари аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.



Ражаб ЖУМАНИЕЗОВ, «Қишлоққоманент» очик акциядорлик жамияти бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Эътироф Ватан шаъни — муқаддас

Эркимизни қўлга киритганимизга ҳам ўн беш йил бўлай деб қолди. Уйлаб кўрсак, қанча-қанча аждодларимиз шу кунларга етиш орзусида армон билан ўтиб кетдилар. Юртимиздаги тинч, осуда кунларни кўролмаётган, эл орасига фитна солмоқчи бўлганларни эса халқ зинҳор кечирмайд.

Биз, Шаҳрихондаги «Теракати» маҳалла аҳли ҳам фарзандларимизга ёвузликка қарши ҳушёрлик билан курашиш даркорлигини, ўз юрти ва шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг Ватан олдидаги бурчи эканини бот-бот ўқитиб келмоқдамиз. Юртининг тузилишига тупурган хиёнаткорлардан ҳазар қилиш, улардан юз ўгириш лозимлигини бугун жигарбандларимиз қучур ҳис қилишини истаимиз. Огоҳликка қорловчи мажлису машваратлар бизнинг маҳаллада мунтазам ўтказилади. Бугун шу қаҳриқларимиз ила осойишталикдек буюк неъматга шукроналикни яна бир бор эътироф этмоқ истадик.

А.ЖАБОРОВ ва бошқалар. Шаҳрихон тумани.

Таассуф Сихатгоҳ нега ёпилди?

Кўп йиллар давомида маориф соҳасида хизмат қилдим. Нафақага чиққач, соғлигим тез-тез безовта қилгани боис касалхоналарда даволаниб қолдим. Шифокорлар ҳар гал муложадан сўнг бирор сихатгоҳда дам олишни тавсия қилишади.

Аваллига «Чортоқ», «Чимён» да доволандим. Бирок ма-софа узоқлик қилди. Шундан кейин туманимиздаги «Оққўрғон» санаторийи ёлдимга тушиб қолди. Суриштирсам, унинг ўрнида поликлиника фаолият кўрсатаётган экан. Бу — яқин, бироқ туппа-тузуқ ишлаб турган сихатгоҳ ёпилгани қизиқ.

Тумандаги барча масъул идораларга бу ҳақда мурожаат қилдик. Бирок нафи бўлмапти. Биз, туман аҳли бир пайтлар кўшни давлатлардан келган беморларнинг таҳсинига лойиқ бўлган дам олиш ва даволаниш масканининг қайта тикланишини хоҳлардик.

Тиллабек МИРЗААХМЕДОВ. Оққўрғон тумани.

Ўтинч Дўконларимиз бузилмасин...

Биз Нукус шаҳридаги марказий бозорда жойлашган дўконларда савдо-сотик билан шугулланамиз. Ушбу савдо дўконларини ўз харажатларимиз ҳисобига таъмирдан чиқариб, барча керакли шaroитларни яратганмиз.

Яқинда шаҳар архитектура бўлимидагилар дўконларимизни бузиб ташлаш ҳақида оғохлантиришди. Айтишда, куриллишлар шаҳар архитектура бўлимининг лойиҳаси ва руҳсати билан амалга оширилган. Энди эса 32 кишидан иборат биз, тадбиркорлар ва ишчиларни сарсон қилишяпти. Бунга сабаб нима? Лойиҳа сметаси тузилган пайтда архитекторларнинг кўзи қаёқда эди? Янгисини қурмай туриб, эскисини бузиш тўғрими? Канализация, электр тизими каби қулайликлар мавжуд бўлган дўконларимизни бўшатиб, янгисини сотиб олиш-у, яна харажат қилиб, уни ишга туширишнинг ўзи бўладими? Илтимосимиз шунки, архитекторлар бу борада яна бир бор ўйлаб кўришса...

М.ИЗБОСАРОВА ва бошқалар. Нукус шаҳри.

Иддоо Илкон бор-у, ҳаракат ўйқ

«Дайровот», «Зиёкор», «Шўртепа» маҳаллаларига электр токи етказиб беришни «Олчин-1» трансформатори бундан анча йил муқаддам курирган. Бугунги кунда аҳоли зичлиги тўғрисидаги қуввати талабга жавоб бермай қолди.

Сўнгги йиллар ичида трансформатор аҳолидан йиғилган пул эвазига бир неча марта таъмирланди-ю, узоққа бормай, яна панд бераверди.

Туман электр тармоқлари бўлимига кўп бора ёзма ва оғзаки мурожаат қилдик, аммо ижобий натижага эришганимиз йўқ. Трансформаторнинг ортиқча қувват сарфлаётгани билан бир қаторда инсон ҳаёти учун хавфли эканини била туриб, мутасаддилар ваъдадан нарига ўтишмайд.

У хар сафар ишдан чиққанда 15-20 кунлаб, ҳаттоки оилаб электр чирогисиз яшайдан хуноб бўлдик. Унгласа бўладиган ишни ҳам шунчалар пайсалга солиш мумкинми?..

Жонқул ТўРАЕВ ва бошқалар. Касби тумани.

Ифтихор Кувонч учун ташаккур

Бизнинг Мирзачўл туманида республика Хотинқизлар кўмитаси ташаббуси билан форум бўлиб ўтди.

Туманимиз мактаб ва коллежаларининг битирувчилари, турли соҳа вакиллари иштирокида ўтган ушбу тадбирда пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъат намояндalarининг чиқишлари барчанинг кўнглига хушнудлик улашди. «Болалар беринг дунёни», «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли булар», «Ўзингда ўхшайи йўқ, Ўзбекистон», «Ватан ягонадир, Ватан биттирди» деб номланган дастурларда спортчи ёшлар, биттирувчилар ҳамда жажжи болажонлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Байрам ташкилотчилари томонидан мирзачўллик бир гуруҳ илгор пиллакорлар, ёш спортчи қизлар ҳамда жамоат ишларида фаоллик кўрсатган ўқувчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Туманимиз аҳли давлатимизнинг ёшларга бўлган бундай эътиборидан манун. Бизга чексиз кувонч ҳаёда этган шундайин гузал тадбирнинг ўтказилишидан беихтиёр қалбда ифтихор туйдиқ.

Раҳимбек ШАРИФЗОДА. Мирзачўл тумани.

Таътил — 2006

Ёзининг иссиқ, жазирама кунлари бошланиши билан Фарғона вилоятининг Шохимардонсой қирғоқлари, Чимён қирлари-ю Сарикўрғоннинг серманзара сарҳадлари, қўйинги, вилоятнинг энг шинам, кўркам гўшалари болалар ихтиёрига бериб қўйилди.

Оромижон оромгоҳлар

— Ёзги оромгоҳлар сони илгариги йилларга нисбатан кўпайтирилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Муҳаммадjon Хўжаев. — Сўнгги йиллар таърибаси шуни кўрсатдики, болалар таътил кунларида ёзги соғломлаштириш муассасалари, дам олиш оромгоҳларига қанчалик кўп жалб қилинса улар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гийҳандлик сингари иллатларга аралашиб қолишининг пайи қирқилар экан. Воёга етмаган ўқувчилар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари аввалги йилларга нисбатан анчагина камайгани бунни кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, бу йил ви-

лоят бўйича энг сўлим гўшалардаги 21 та оромгоҳда бир йўла 10 мингдан зиёд ўқувчи дам олиш билан бирга соғломлаштириш тадбирларини ҳам бошлаб юборишди. Яна шу йилда ўқувчи 58 та мактаб қошида очилган кундузги оромгоҳларга жалб этилди. Бу йил илк мартаба таъриб таърибасида 3 та меҳрибонлик уйи, 14 та маҳсус мактабда ташкил этилган дам олиш муассасаларида 1500 дан зиёд ёшларнинг мириқиб дам олишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Шунингдек, бу йил умумтаълим мактабларининг спорт заллари таътил пайтида ҳам бўш тур-

маслиги чоралари кўрилган. Таъриб таърибасида ташкил этилаётган «Соғломлаштириш марказлари»да 32 мингга яқин ўқувчининг мириқиб дам олиш учун имкониятлар яратилди. Энди бу масъулиятли мавсумга бевосита дахлдор эканликларини «Маҳалла» жамғармаси, хотин-қизлар кўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касаба уюшмалари кўмиталари ҳам намойиш этишмоқда. Фикримизни маъқур ташкилотларнинг вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда жалб қилинган «Ёзги таътил мавсумида оромгоҳларга жалб этилмаган ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича маънавий-

маърифий тадбирлар дастур режаси ҳам тасдиқлаб турибди. Яна бир гап. Жорий йилдан бошлаб ёзги оромгоҳларга дахлдор муассасаларга ҳам соғлом рақобат муҳити кириб келяпти. Энди улар «Энг намунали соғломлаштириш оромгоҳи» танловида голиб чиқиш учун кураш олиб боришади. Бундан ташқари, илк мартаба ўтказилаётган кўрик-танлов Низомида энг ташаббускор оромгоҳ бошлиғи, тарбиячиси, етакчиси, спорт мутахассиси, музика раҳбарини аниқлаш ҳам кўзда тутилган.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дўстлик фестивали

Нукусда «Қудратимиз — дўстлик ва ҳамжиҳатликда» шiori остида фестиваль ўтказилди. Унда Қорақалпоғистонда фаолият юритаётган рус, қозоқ, украин ва туркман миллий маданий марказлари фаоллари, жамоатчилик вакиллари, зиёлилар ҳамда талабалар иштирок этиди.

Қорақалпоқ санъат усталари ва ижрочи ёшлар Ватан, Истиқлол, дўстлик ва миллатлараро тотувлики тараннум этувчи бадиий композиция намойиш этишди.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Улар ишла бўлишди

Самарқанд вилоятида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Унда 755 та ташкилот ва корхоналар 4252 та иш ўринлари билан иштирок этиди. Ярмаркада 13183 нафар самарқандликлар қатнашган бўлса, уларнинг 3464 нафари фаол иш қидирувчилар эди.

— Таъбир Самарқанд шаҳри ва вилоятнинг барча туманларида бир пайтда ўтказилди, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Фахриддин Фазлиев. — Ярмаркада Прокуратура органлари, «Камолот» ЕИХ вилоят кенгаши, халқ таълими тизими, касб-ҳунар коллежлари, кўшма корхоналар, кичик бизнес, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари қатнашди.

Шу куннинг ўзидаёқ 2239 нафар киши иш билан таъминланди. Шунингдек, 9951 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ. Юнус Ражабий номидаги вилоят театрида ижодкор ёшлар ўртасида «Ниҳол» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

30 нафар йигит-қиз иштирок этган танловда музика бўйича зоминлик Сардор Зулқайнаров, мумтоз кўшиқ ижрочилиги бўйича Жиззах санъат коллежи талабаси Фотима Исқандарова ва рақс йўналиши бўйича «Жиззах» ашула ва рақс ансамблининг раққосаси Махлиё Аҳмедова биринчи ўринни эгаллади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабари

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотларига аудит ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисидаги Низом», шунингдек, Марказий банкнинг тижорат банкларида ўтказиладиган аудит текширувларига қўйиладиган талаблари бузилганлиги (тижорат банкларида ўтказилган аудит текширувлари юзаси амалга оширилганлиги ва банкнинг молиявий ҳисоботлари тўғрисида ҳаққоний бўлмаган ҳулоса берилганлиги) сабабли, «Одил Аудит» МЧЖ аудиторлик фирмасининг банкларда аудит ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификати ҳамда аудиторларнинг малага сертификатларининг амал қилиши тўхтатилди.

Матбуот хизмати.



ВЕСЫ ВАГОННЫЕ ТЕНЗОМЕТРИЧЕСКИЕ предназначены для статического взвешивания ж/д транспорта разных габаритов.

ВЕСЫ АВТОМОБИЛЬНЫЕ ЭЛЕКТРОННЫЕ ТЕНЗОМЕТРИЧЕСКИЕ ТИПА ВАТ И ВАТК предназначены для статического взвешивания автотранспорта и представляют собой модульную конструкцию. Конструкция позволяет обеспечить надежность в работе, простоту в обслуживании, стабильность показаний во всем диапазоне взвешивания и в разных климатических условиях.

Гарантия 3 ГОДА

электронные весы






Представительство ООО «НАИС» в Республике Узбекистан и по Центральной Азии, г. Ташкент, ул. Мусаханова, 45, СП «Отель Узбекистан», 11-й этаж, кабинет 1119

Тел/факс: (998-71) 113-11-27, 113-11-28

Мобильный: (998-93) 388-10-11, 380-10-11

http://www.nais.ru


e-mail: uzmail@nais.ru

Реконструкция вагонных механических весов на электронные с применением датчиков С16АС3/30t (Hotinger — Германия).

Хурматли юртдошлар! Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ — БУ:

- ☑ Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- ☑ Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- ☑ Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 16%.
- ☑ Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- ☑ Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- ☑ Барча турдаги карточкаларда сугурта қилиш кўзда тутилган.



БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

6 ойдан 1 йилгача.....	19% йиллик
1 йилдан 3 йилгача.....	19% йиллик
3 йилдан 5 йилгача.....	19% йиллик
“Юбилейный” (камида 6 ой).....	20% йиллик
“Орзу” (камида 3 ой).....	20% йиллик
“Наврўз” (2 ойга).....	20% йиллик
“Табассум” (45 кунга).....	20% йиллик
“Умид” (камида 3 ой).....	20% йиллик
“Такдим этувчига” (камида 3 ой).....	20% йиллик

Хорижий валютадаги омонатлар

АҚШ доллари	
6 ойдан — 1 йилгача	
1000 АҚШ долл. дан 2000 АҚШ долл. гача.....	5,5% йиллик
2000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача.....	6,5% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори.....	7% йиллик
ЕВРО	
1 йилгача.....	3% йиллик
1 йилдан ортиқ	
1000 ЕВРО дан 5000 ЕВРО гача.....	4% йиллик
5000 ЕВРО дан юқори.....	4,5% йиллик
Маълумот учун тел.: 120-83-77, 120-39-18, 144-56-55, 125-50-26	

БАНКДАГИ БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

УНЛИ ҚАНДОЛАТЧИЛИК МАХСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН ТАБИЙ ЭМУЛЬГАТОР ВА ЛЕЦИТИН АСОСИДА КОМПЛЕКС ҚЎШИМЧАЛАР.

☑ Қандолатчилик маҳсулотларини яхшиловчи «Московский» кўшимчаси турли хилдаги **ПЕЧЕНЬЕ, ВАФЛИ, КЕКС** ва рулетларни ишлаб чиқариш учун.

☑ Қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун «Московская» пастаси **БИСКИТ, РУЛЕТ, ТОРТ, ПИРОЖНИЙ, КРЕМ** ишлаб чиқариш учун.

Бу қўшимчалардан фойдаланиш қуйидаги натижаларга олиб келади:

- тайёр маҳсулот нархининг пасайтирилишига;
- ишлаб чиқариш жаравининг тазлаштириш ва энгиллаштиришга;
- маҳсулот таъми, қуриниши ва ҳажмини оширишга;
- ишлаш мuddатини ошириб, қотиб қолишга ва пўқанаклашга йўл қўймайди.

Ҳар хил шартда ва турли ускуналарда қўлланиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил бўйича олишингиз мумкин: **ООО «SIF FOOD TECHNOLOGIES»**, Тошкент шаҳри, «Каторгол» кўчаси, 60. Тел.: 173-53-56, факс: 173-53-57, e-mail: siftech@sarkor.uz

Тошкент шаҳри, Яскасарой туманининг «Усто Зафар» уй-жой мулкдорлари шirkати, ОКПО коди 17820339, туғатилмади.

Давоолар эълон чоп этилгандан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзида қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Қунаев кўчаси, 10/4002. Тел.: 153-80-02.

Тошкент Кимё-технология институтининг жамоаси «Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси» кафедраси профессори, кимё фаилари доктори Ф.А.Магруппова акаси

Ерқин МАГРУПОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобил-ўйлар институтининг ректорати «Кўприклар ва транспорт тузилмалари» кафедраси жамоаси доцент, техника фаилари номзоли Фарид Фасихитдиновна ГАНИХАНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 857. 27344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Техририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Хамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — А. Самалов.
Мусаҳҳон — Ш. Машираббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 2 3 4 5 6